

Махалла

Маълумки, маҳаллаларнинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида жамоат ташкилоти сифатида тугган ўрни ва мақоми ҳуқуқий асосга эга бўлиб, унинг мавқеи тобора ошиб бормоқда. Шу кунга келиб маҳалла маҳаллий ҳокимият зиммасидаги бир қатор ишларни амалга оширишда барча куч ва воситалардан унумли фойдалана бошлади. Айни пайтда Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов маҳалла оқсоқллари Маслаҳат кенгашининг янгиланган таркибини ва унинг Низомини тасдиқлади. Ушбу Низомни шарҳлаш юзасидан кенгаш раисининг ўринбосари Нейматжон Ҳасанов билан учрашиб, бир неча саволлар билан муножот қилдик.

— **Низомни ишлаб чиқишда асосий эътибор нималарга қаратилди?**
— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина, маҳалла биринчи бор республика Конституциясида унинг ҳуқуқий мақомига эга бўлди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Конституция талбадан келиб чиқиб, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунда маҳалла жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўйбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашиш, ўз ҳудудидagi ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органига Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Президент Фармонларини, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликларнинг қарор ва фармойишларини бажаришда уларга ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш таъкидланган. Қўриб турибдики, юқоридagi вазифаларни фуқароларнинг манфаатидан келиб чиқиб амалга ошириш маҳалланинг асосий вазифасига айланган. Шунга кўра маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат кенгаши Низомини ишлаб чиқишда асосан Қонун устиворлигини таъминлашга суянилади.

тарбиялашда «Энг намунали маҳалла», «Энг ибратли оқсоқол» номини олиш шiori остида беллашувлар ташкил қилиш ва гоилибларни аниқлаб, уларни рағбатлантириш бoбидa тавсиялар тайёрлаб, шаҳар мутасаддиларига тақдим этилади», — дейилади. Қўриб турибдики, шаҳар ҳокимлигининг тегишли маҳқама ва муассасалари, турли жамғармалар билан биргаликда юқоридagi ишларни амалга ошириш йўлида Маслаҳат кенгаши тавсиялар тайёрлаб, уларни ўтказиш муддатларини, ҳомилярини шароитга қараб белгилайди. Тавсияларда маҳалланинг турли жиҳатлари ўз ифодасини топади. Ҳозирги кунда Маслаҳат кенгаши таркибидa иш олиб бoраётган «Маҳаллада ўсмир ва ёшлар билан ишлаш» бўлими профессор Қодир Фозилжўяев раҳбарлигида юқоридagi вазифаларни бажариш бoрасидa ўзига хос дастур тайёрламоқдаки, унда ёшлар тарбиясида намунали ишлар олиб бoраётган маҳалла ва маҳалла оқсоқолларининг фаолиятлари кенг ўрин бeрилади.

— **Низомда маҳалла кенгаши таркибидa кенгаш ва шўбaлар тузиш мумкинлиги ўқтирилган. Бу кенгаш ва шўбaлар қайси йўналишларда иш олиб бoришлари мумкин?**

— Низомда қайд этилганидек ҳозирги кунда Маслаҳат кенгаши таркибидa бешта кичик кенгаш тузилган бўлиб, туман маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат кенгашиларидa ҳам бу иш ишчи олиб бoрилмоқда. Буларнинг дастлабки таълим-тарбия, соғлом авлод ва ўсмир-ёшлар билан ишлаш кичик кенгаши бўлиб, унинг таркибига шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари, «Қамолот» ёшлар жамғармаси шаҳар бошқаруви, меҳнат биржаси, ҳуқуқ-тартибот органи киради. Шунингдек, миллий мафкура, маънавият, маърифат ҳамда миллатларaro дўстлик ва ҳамкорлик кичик кенгашида маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказининг шаҳар бўлими республика байналмилал маркази, шаҳар ҳокимлиги маданият бўлими, сиёсий партия ва ҳаракатлар фаолият кўрсатади.

Бундан ташқари маҳалла хотин-қизлари билан ишлаш кичик кенгаши, кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга, ногиронларга ва ёлғиз қарияларга моддий ва маънавий ёрдам бeриш ишларини мувофиқлаштириш кичик кенгаши, маҳаллаларни ободонлаштириш ва шаҳар атроф-муҳитини — экологиясини яхшилаш кичик кенгаши ҳам мавжуд.

— **Маслаҳат кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси орасида чегара ҳамда ўзарo муносабатлар Низомда аниқ қаранти тузилган. Аммо улар ўртасидаги фарқни тушунмайдиганлар ҳам топилди. Бу икки тизимнинг фарқи хусусида яна бир бор тушунча бeриб ўтсак.**

— Ҳақиқатан ҳам Низомда «Маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат кенгаши ўзининг иш фаолиятини «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлиб бoриши билан боғлаб олиб бoради, жамғарманинг Низомий вазифаларини бажаришда уларга ҳар томонлама ёрдам бeради, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ва таклифлар бeради, ахборотларини эшитилади», дейилади. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг асосий вазифалари аҳоли орасида миллий қадриятларни рўйбга чиқариш бoрасидa келг кўламдаги ишларни олиб бoриш, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш, ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз қариялар ҳамда боқувчисидан айрилган хонадонларга ҳар томонлама ёрдам бeриш ишларини йўлга қўйишдан иборат. Қолаверса, ўз маблаг иезиғига маҳаллалар қошида ишлаб чиқариш шохобчалари ташкил қилиш, маҳалла аҳолисини иш билан таъминлашга кўмаклашиш ҳам жамғарма вазифасига киради. Шунини ҳам айтиш керакки, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Президент Фармони билан ташкил қилинган бўлиб, унинг таъсисчилари орасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар ҳам бор. Жамғарма Низомига асосан ҳар бир таъсисчи жамғарма бошқарувининг ҳисоботини эшитишга ҳақли. Шу жиҳатдан олиб қараганда Маслаҳат кенгашининг Низомидa «Маҳалла» хайрия жамғармасининг бўлиб ва бўлинмаларига ҳар томонлама маслаҳатлар, тавсиялар бeриш билан бирга, уларнинг ахборотларини ҳам эшитиб бoриши таъкидланган. Бу албатта биргаликда иш олиб бoриш жараёнида маҳалла таракқиетиға тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ҳам жиҳатли билан ечиб, маҳаллани ҳақиқий меҳр-оқибат, аҳиллик масканига айлантиришга ҳизмат қилиши зарур. Маслаҳат кенгашининг фаолияти хусусида суҳбатимиз ааваллида айтганларга шунини қўшимча қилиш керакки, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»-ги Қонунда белгиланган ишларни амалга оширишда маҳаллаларга бевосита ёрдам бeриш, маҳалла бошқаруви механизмининг ўрта бўлими сифатида ҳизмат қилади.

Суҳбатдош Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Демократик ҳуқуқий давлат сари

МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида»-ги қонун талабларидан келиб чиқилди. Мақсад — маҳаллаларни фуқароларнинг ташаббускор, мустақил, ҳар бир янгилликни умуммаҳалланинг маънавий мулкига айлантириш, ташаббусларга қанот бўлиш, мамлакатимизда одил фуқаролар жамиятини барпо этишда ўзига хос бир намуна бўлади. Жамоат ташкилотига, Ватан ичидa Ватанга, меҳр-оқибат бўлиғига айлантиришдир. Низом эса юқоридagi вазифаларни амалга оширишда Маслаҳат кенгашининг дастури бўлиб ҳизмат қилади: Шунга асосан кенгаш маҳаллалар учун тавсиялар, қўлланмалар ишлаб чиқиб, қатор муаммоларнинг ечимини топишда маҳалла оқсоқолларига ёрдам бeради.

— **Низомда кенгаш қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эканига алоҳида ўрин бeририлганини кўриш мумкин. Хусусан, 9-бандда «Барча масалалар бўйича қарорлар очик овоз бeриш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади», дейилган. Шу қондан изоҳлаб бeрсангиз.**

— Низомнинг 9-бандида «Маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат кенгаши мажлисини раис ёки унинг ўринбосари олиб бoради», деган жумла ҳам бор. Ундан кейин «Барча масалалар бўйича қарорлар очик овоз бeриш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади», дейилган. Низомда бундай талаб «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида»-ги Қонун талаблари ва ҳаёт таърибаларидан келиб чиққан. Ҳар қандай мажлисда асосан маҳаллаларда бирор бир раҳбар иштирок этса, у дарҳол мажлис жойини қўлга олишга уринади. Шунини ҳисобга олган ҳолда Қонунда «Фуқаролар йиғинини раис ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб бoради», деб алоҳида таъкидланган. Шундангина барча масалалар бўйича қарорлар атрофлича фикр қилиниб, пишиштириб, йиғинларда, кенгашларда қатнашаётганларнинг фикридан келиб чиқиб муҳокамадаги масала овозга қўйилади ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бу қонда кенгаш қатнашчиларини мажлисда фаол иштирок этишига, ҳар бир масалага очик фикр билишига ҳизмат қилади.

— **Бугунги кунда турли кўрик-танловларини ўтказиш одат тусига кийиб қолди. Низомда ҳам бу нарсa эътибордан четда қолмаган. Низомнинг 10-банди «Энг ибратли оқсоқол» танловлари хусусида қар бoради. Уларни ўтказиш тартиби, оралик муддатлари қандай белгиланган?**

— Низомнинг «Г» қисмида «Маҳаллаларда миллий қадриятларини таркиб топтириш, ёш авлодини миллий анъаналарга содиқ қилиш руҳида, уларни эъзозлашга қайфиятида

Афсуски, маъмурий-бўйрқбозлик тизимини даврида бу имкониятлар чекланди, оқибатда маҳалланинг тарбиявий-маърифий аҳамияти сезилган-аста хиралашди, ўғирлик, бeзорилик, иккиюзламачилик, қаллобчилик, ичкиликбозлик, гийбаатчилик ва бошқа салбий ҳодисалар кўпайиб

ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИГА АЙЛАНГАН

«Маҳалла: кеча, бугун, эртага» мавзусидаги суҳбатни уқиб

кетди, уларни муҳокама этиш, олдин олишга аҳамият бeрилмади, бундай ҳолатларни кўриш оддий ҳолга айланди. Халқимизнинг қадимдан ардоқлини келинган бу яшаш тарзи унтилаётиди.

— Фақат мустақиллик тўғрисида маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Конституциямизда маҳаллалар мулкга янги нуфузли мав-

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат хис-туйғуларини шакллантириш мақсадида яқинда ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази Тошкент шаҳар бўлими ҳам мазкур марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш борасида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, марказ ходимлари шаҳарнинг бир неча маҳаллаларида, фаоллар билан учрашиб, маънавиятни янада мустаҳкамлашга бағишланган кечаларда иштирок этмоқдалар.

Кунин кеча шаҳримизнинг кўркам маҳаллаларидан бири — Яққасарой туманидаги «Бошлик» маҳалласида ҳам

Аҳоли турар жойларида МАЪНАВИЯТ — ЮКСАЛИШ ДЕМАК

«Ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида маънавият» мавзусига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Мустақил юртимизда маънавиятга берилган юксак эътибор ҳамда Президентимиз Ислам Қаримов ташаббуси билан «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг ташкил этилиши бизни янада қувонтирди ва бугунги йиғинимизни буюк незмат ҳисобланмиш — маънавият масалаларига бағишладик, — дея кечани очди маҳалла оқсоқоли Исмоил Қурбонов. Шундан сўнг, йиғинга тақлиф этилган академик, техника фанлари доктори, профессор, «Маънавият ва

сўзининг охирида шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан тез кунларда ушбу маҳаллада истиқомат қилаётган ногиронларга аравачалар ажратилишини айтди.

Йиғилишда Яққасарой тумани ҳокимининг ўринбосари Нурилла Насимов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Яққасарой тумани кенгашининг биринчи котиби Тоҳир Тоҳиев, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг туман бўлими раиси Аббор Ҳамроқулов, Яққасарой тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Дилбар Тошўлатова ҳамда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Ҳожиакбар Бахтиёрлар иштирок этишиб йиғин иштирокчиларининг барча саволларига атрофлича жавоблар қайтаришди.

Зулфия ДУСТМУҲАМЕДОВА

Пойтахтимизнинг бир қатор туманларида авж олдирилган қурилиш иншоотлари ўзгача манзара кашф этмоқда. Шайхонтоҳур туманидаги Қоратош даҳасининг меъморчилиги фикримиз далилидир. Унинг лойиҳаси «Тошгирогор» институти томонидан ишлаб чиқилган. Қурилиш ишлари 26 гектар жойини эгаллайди. Ҳозирда 59 минг метр квадрат тураржой бинолари фойдаланишга топширилган бўлиб, унга 56 миллион сўм сарфланган. «Тошкентўйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 1- ва 2-ўйсузлик комбинати, ҳамж блокли уй-жой қурилиш комбинати тураржой қурилиш трести ва 12-қурилиш трести қурувчилари лойиҳани амалга оширишмоқда.

Қад ростлаётган янги иморатлар асосан «Марказ — 15» мавзесидаги ва Қоратош мавзесидаги эски уйлари бузиб ўрнига қурилмоқда. 1996 йил режасига биноан йилга оила янги уй билан таъминланди. Шу йил охиригача 400 та хонадон янги уй-жойларга қўчиб киришди. Уларни асосан шу даҳада истиқомат қиладиганлар, Сағбон маҳалласидан 100 та хонадон ҳамда шу туманда эски уйлар бузилган хона-

Эски шаҳар ёшаради ГУЗАРЛАР ҚАД РОСТЛАМОҚДА



дон оилалари ташкил этади. Ушбу қурилиш ташкилотлари бир вақтининг ўзида маҳалла гузарларини ҳам бунёд этишмоқда. Ҳар бир гузарда жойга маънавий ҳизмат турлари мужассамлашган. Хусусан уларда Халқ банки бўлинмаси, саргарошхона, пойабзал тузатиш устаконаси, радиотехника таъмирлаш ва бошқа хизмат турлари бор. Гузарда маҳалла аҳли учун 400 ўринли тўйхона қурилган. Тўйхонага шаҳар ҳокимлиги томонидан стол-стуллар, идиш-товуқлар ажратилган.

Қоратош ва Ипақчилик маҳалла гузарлари қад ростлади. Истиқболда яна Ибн Сино мавзесида, «Марказ — 26», «Йлғор» ҳамда «Сарҳудон» маҳалла гузарлари қуриш режалаштирилган. Ушбу лойиҳани амалга оширишда шаҳар ҳокимлиги ва Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ташаббус кўрсатмоқда.

Хўш, давлат томонидан халқ учун шундай қулайликлар яратилаётган пайтда маҳалла аҳли улардан қандай фойдаланмоқда? Ҳукумат томонидан қурилган гузарларга қандай солиқлар жорий этилган? Эл манфаати учун қурилган тўйхоналардан солиқлар ундириладими? Ушбу саволга Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекцияси ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Алоуддин Асомиддинов куйидегича жавоб бeрди:

— Президентимиз Фармонларига ҳамда шаҳар ҳокимлиги қарорига асосан маҳалланинг ўзига бeрилган жойга солиқ солилмайдми. Маҳалла учун ҳизмат қиладиган тўйхоналар ҳам шулар жумласига кирилади, лекин маҳаллада бирон-бир ташкилот, қўшма, кичик, хусусий корхоналар фаолият кўрсатиб, банкда ҳисоб рақами бўлса, уларга маълум солиқлар турли жорий этилган.

Оқил АБДУАЗИМОВ.

Ақмал Иқромов туманидаги «Ватан» маҳалласининг фидойилари барча ишларни ҳашар йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилишади. Мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйи муносабати билан очилган маҳалла тўйхонасида шу кунгача олтин ва кумуш тўйлар, суннат тўйи, Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишланган адабий кечалар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

— Маҳалламизнинг ҳар бир яшовчисини фидойи инсонлар деб ҳисоблайман, — дейди маҳалла оқсоқоли Озод Ризаев. — 52 та баланд қаватли уйини ўз бағрига олган маҳалла тўйхонасида 10905 нафар фуқаро истиқомат қилади. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Алимуҳамедов, шунингдек Эргаш Мадаминов, Рустам Одилов ва бошқалар бор. Бу инсонлар давлат ишларида меҳнат қилиб келиш билан бир вақтининг ўзида маҳалланинг барча ишларида фаол иштирок этишиб, бошланган юмушларга бош-қош бў-

Ободонлаштириш икки ойлиги «ВАТАН»ЛИК ФИДОЙИЛАР



лишаётир. Ҳашарлар ташкил этилиб, уларнинг атрофи, қўчалар, ариқ-зовурлар тозаланиб, уйилган ахлатлар чиқариб ташланмоқда. Шуниси қувончлики, ҳашар йўли билан қурган маҳалла гузаримизда жуда қизқаркли тадбир, болалар тарбияси тўғрисидаги мунозарали кечалар, хотин-қизларнинг йиғилишлари, онахон ва ота-хоналаримизга бағишланган

маслаҳат иш қуришга одатландик. «Маслаҳатли тўй тарқамас» деганларидек барча имконияти ва қудратига қараб бу ишга ўз ҳиссаларини қўйишмоқда.

Гули АБДУЛЛАЕВА, СУРАТДА: «Ватан» маҳалласида каттаю кичик иштирок этди.

Засим Соколов олган сурат.

Маълумки, қадимдан ҳар бир одамни (у ҳок катта, ҳок кичкина бўлсин) турмуш тарзини баҳолашда маҳалланинг фикри мезон ҳисобланган. Маҳалла оқсоқоллари тўй-маъракадан тортиб, то оилавий қўйди-қиндиларгача аралашиб, уларни адолатли ҳал этганлар.

Тўйларга сарфланадиган қаражат, тақлиф этиладиган одамлар сони, ўтказилиши тартибини оқсоқоллар белгилаб бeрган.

Маҳалла ҳар қандай ахлоқсизликни, маънавий бузуқликни қоралаган. Емон одамларни маҳаллага келиб қолишига йўл қўйилмаган. Ҳатто маҳаллада уй сотиладиган бўлса ҳам, биринчи навбатда қўшнларидан сўралган. Агар ташқаридан бирон оила кўчиб келиб яшашмоқчи бўлса, маҳалланинг қонун-қоидасини қабул қилишга келтирилган рўқсат бeрилган. Маҳаллалардаги мана шундай ёзилмаган қонунлар қишларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиринишга, соғлом турмуш тарзига, маънавий етуқликка йўл очиб бeрган.

Афсуски, маъмурий-бўйрқбозлик тизимини даврида бу имкониятлар чекланди, оқибатда маҳалланинг тарбиявий-маърифий аҳамияти сезилган-аста хиралашди, ўғирлик, бeзорилик, иккиюзламачилик, қаллобчилик, ичкиликбозлик, гийбаатчилик ва бошқа салбий ҳодисалар кўпайиб

кега кўтарилди. Президентимиз Ислам Қаримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқида ҳам маҳаллага катта эътибор бeрилаётганини таъкидлаб ўттиди: «Ў-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усу-

қандай масалани ечишга етади. Не-лоқ деганда энг адолатли ижтимоий шaroит фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилотли бу бoрада маҳалла билан тенглаша олмайдми. У ерда ҳаёт тажарбатдан ҳал этишда ҳокимликлар

ёрдамида қуришимиз лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, эндиликда маҳаллар тегишли ҳудуддаги тегишли иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий, сиёсий муаммоларни бевосита ҳойларнинг ўзида амалий жиҳатдан ҳал этишда ҳокимликлар

ишлардан яна бири оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом фарзандларни воёга етказиш, тўй-маъракаларни камқимик ўтказишдир. Бу бoрада ҳокимликлар ёшлар, хотин-қизлар кенгашлари билан биргаликда фаолият олиб бoриши мақсада мувофиқдир. Агар маҳаллаларда этилаётган муаммолар ўз жойида ҳал этилса жиноятлар, оилаларнинг ажратилиши ва бошқа салбий ҳодисалар қамойиб бoраб эди.

Шу маънода «Тошкент оқшoми» галетасининг шу йил 22-сонидa чоп этилган «Маҳалла, кеча, бугун, эртага» мавзусида ҳуқуқшунос олим Кабир Қомиллов билан бўлган суҳбат мeнда катта таассурот қолдирди. У киши маҳалланинг тарихийлигини, таъсир доирасининг кенглиги, қолаверса миллий ҳусусиятларини шакллантирувчи макон эканлигини таъкидлаш билан бирга маҳалла ўзини ўзи бошқариш органи эканлигини илмий жиҳатдан изоҳлаб бeрган.

Айни кунларда маҳалла марказида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Отақонлар оромгоҳи қурилиши бошлаб бoрибди. Узунлиги 14, эни 12 метр кенликда қад ростлаётган оромгоҳ Ўзбекистон му-сулмонлари идораси назоратида бўлиб, унинг устки қисми ҳозирда ёпиб бўлинди. Ҳашар йўли билан бунёд этилаётган бу маскан битгач, теварак-атрофигузoрга айлантирилади. Оромгоҳ қўйнида дўкон, чойхона, маҳалла идораси, мадраса ва бошқа бинолар ҳам қад ростлайди. Ҳозирда маҳалла гузарни қурилишини бошлаш тараддуллари қурилишда.

Манзура ХОЛМАТОВА, доцент.

Исматулла РУСТАМОВ.

Юртимиз тимсоллари

ВАТАН РАМЗИ

Байроқ ҳамма ерда ва ўтмиш замонларда ҳам давлат рамзи бўлиб келган. Шунинг учун мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилингандан эллик кун ўтар-ўтмас, «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунга биноан, миллий байроғимиз қабул қилинди.

Кўп мамлакатларда давлат байроғига ҳадди аълосида эҳтиром билан қаралгани учун ҳам у чинакам юрт тимсолига, миллий-маънавий бойликка айланган қолган. Масалан, Америка Қўшма Штатларида фуқароликка ўтаётган мухожирлар АҚШ давлат байроғи остида қасамдёр қилиши керак. Японияда эса хонадонларнинг ярмидан кўпиди давлат байроғи унинг турида эҳтиром билан сақланади.

Ўзбекистон байроғи жаҳоннинг энг мўътабар халқаро ташкилоти бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси биноси олдида ҳилпирай бошлаган тарихий кун — 1992 йилнинг 2 мартини эслаш.

Бугун эса миллий байроғимиз ҳилпираб турган мамлакатлар сони ой сайин ошиб борапти. Хозир дунёдаги қанчадан-қанча йirik ва ривожланган давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ва консулхоналари иморатлари, Ватанимизнинг хориждаги бир қатор ваколатхоналари устида байроғимиз Ўзбекистон кўркини кўз-кўз қилиб турибди.

Бундай дейишимизга ҳам асос бор. Байроғимиз рамзан айна шу она заминимиз руҳини акс эттиради. Бу ҳақда байроғимиз шарҳланган кўплаб мақолаларда айтилган. Шунинг таъкидлаш керакки, серқуёш Ўзбекистонимиз осмони аскарят байроғимизнинг тепа қисмидек кўм-кўк, она заминимиз йилнинг кўрпук пайтида байроғимиз пастки тарами янгли ям-яшил...

Ой ва юлдузлар эса — исломий рамзалар.

Туркиядаги Турк стандартлари (рамзлари) институти тайёрлаб, 1993 йили чоп этган туркий давлатлар байроқлари мажмуидаги 16 байроқдан 5 тасида ой ва юлдуз акс этган. 1299 йилдан то 1922 йилгача ху-

км сурган Усмонли (турк) ҳоконлигининг кип-қизил байроғида бир ой ва бир юлдуз шакли бор. 1922 йили ташкил топган Туркия Жумҳурияти ана шу байроқни ўзига мерос қилиб олди, аммо энди ингичка ой йўғонроқ, саккиз қиррали юлдуз эса беш қиррали юлдуз билан алмаштирилди, холос. Оқ Хун ҳоконлигининг оппоқ байроғида тепадан пастга қараб жойлашган учта беш қиррали юлдуз мавжуд эди. Ҳазар ҳоконлигининг кўм-кўк байроғида эса беш қиррали бешта юлдуз ўзаро бурчак ҳосил қилиб жойлашган. 963-1183 йилларда мавжуд бўлган Газнавийлар салтанати байроғида ой акс эттирилган. 1236-1502 йилларда сиёсат юргизган Олтин Ўрда давлати байроғи ўртасида ҳам тепага қараган ой акси бор.

Замонавий 12 туркий байроқдан 7 тасида ой юлдуз сурати солинган. Туркия, Озарбайжон, Қибрис турклари, Шарқий Туркистон, Ироқ туркманлари байроқларида юлдуз биттадан, Туркманистон байроғида бешта, Ўзбекистонимиз байроғида эса 12 юлдуз акс этган.

Юлдузлар ўн икки бурж, яъни йилнинг ўн икки ойини билдиради. Бу эса ҳаётнинг давомийлиги, мустақиллигимизнинг абадийлигини эсга солгандек бўлади, гўё.

Мамлакатимизда ўтаётган халқаро спорт мусобақалари бошланганда, жаҳоннинг турли бурчакларидаги халқаро мусобақаларда бизнинг спортчимиз голиб келганда, осмон узра миллий байроғимиз кўтарилаётганда ҳар бир ўзбекистонлик кўнгилда бир нозик — тил билан ифодадалаб бўлмас туйғулор жўш урсун, ажаб эмас.

Ёки байроқдан «тўн» кийган самолётларимизнинг осмонга парвозини кўрганимизда-чи?! Бугун улар фалак қўйида байроқ бўлиб учаяпти. Жаҳон аэропортларида бугун бо «кўш»ни яхши таниб қолдилар.

Шундай маҳалларда: «Парвозинг беҳатар, байроғинг йўлдошинг бўлсин, Ўзбекистон!» — дегинг келади.

Султонмурод ОЛИМ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги.

Театр ўзининг янгилиниш палласига кирди. Одамлар урйикит фильмлардан зериди. Зийли одамлар, маънавий озуқага ташна инсонлар чет эл фильмларининг ҳеч нарса бермаслигини ниҳоят англаб етди. Хувиллаган томоша заллари яна мухлисларнинг шовқин-суронларига тула бошладилар. Лекин ҳамма театрлар ҳам бирдек гажум эмас. Томошаларимизга одамлар келармикан, деган ҳадиқ ҳали театр раҳбариятининг ўй-хаёлини тарқ этгани йўқ.

Томошабинларнинг театрларга ташрифи аввалги даражада эмаслиги сабабларини турлича изохлаш мумкин. Театр илос-майларида бири Шароф Ҳамидов буни бозор шароити билан боғлаб, шундай деди: «Театрда одамлар дам олишга келади. Дейлик, мен машинамни кўчада қолдириб томошага кираман. Истасам-истамасам ҳаёлим ташқарида қолган машинамда бўлади. Демак, кўнгилдагидек дам ололмайман. Ҳавотир, ҳадиқ бунга йўл бермайди. Икки-уч марта шундай бўлгач, театрда келиш завқидан маҳрум бўласан. Бунинг устига югур-югурлардан бўшаб, вақт топиш қийин. Лекин театрни доим соғиниб яшайман».

Бу муаммони ҳар ким ўзича изоҳлайди, ечимини қидиради. Келинг, театр раҳбарларининг бу хусусдаги фикрларини эшитайлик.

● **Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг директори, халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ:**

— Хозир мамлакатимиз янги даврга қадам қўйди. Катта таъмир ташвиши ҳам катта бўлади. Бугун ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Маънавияти, эътиқоди юксак бўлган инсон ҳеч қачон тушқунликка тушмайди.

Ана шу халққа дахлдорлик ҳисси хамиша руҳимизга мадад бериб туради. Санъат аҳли зийли инсонлар эса янги даврга қадам қўйган мамлакатимизни қўллаб-қуватлаши, унинг мустақамланишига ўз хиссасини қўшишлари керак. Бу гапларни ўзимни биландим қилиб кўрсатиш учун эмас, бу ўйлар ҳаёлимдан кечган, қундалиқ тарзига айланаётгани учун гапиряман.

Биз, Ҳамза театрининг жамоаси юртимиздаги катта ўзгаришларни кўриб турибмиз. Кўлимиздан келган хизматини қиламиз. Айниқса, театрга келаётган томошабин масаласига катта эътибор бераймиз. Ана шу меҳнатимиз ўзининг ҳосилини бера бошлади. Театр томошабинларга тула бўлса, ҳаммаининг кайфияти яхши бўлади. Саҳнага чиққан актёрлардан тортиб чипта сотувчиларгача. Афсуски, бундай саодатли дамлар доим бўлавермайди. Театримизда 700 ўрин бор. Гоҳида 100-150 киши келади. Томоша зали учун бу кам. Шунга ҳам шукр деймиз. Томошабин ҳали театрни унутмабди дея қувонамиз.

Биз урта авлод санъаткорлари томоша залларининг одамларга тўлиб-тошганлигининг, кишиларнинг билет

қидириб юрганларининг гувоҳи бўлганмиз. Эсимда бор, Ҳамза театрининг эски биносининг юқорисиди — Эски Жўвада театримизнинг эски биноси бўларди. Спектакллар кўёш ботқандан кейин бошларди. Мингдан ортиқ ўрин бор эди. Томошагоҳ одамларга тўлиб тошарди. Спектаклларимиз соат туғли 12 дан кейин тамом бўларди. Одамлар транспорт демасди, уйим узоқ демасди. Ярим тунда уйларига қайтаётган кишиларнинг кайфияти бизга ҳам таъсир

ма театрининг директори Ботир ТОЖИХҲАЕВ:

— Яқиндагина театрни таъмирлаш ишларини тугатдик. Репетициялар бошланди кетди. Томошабинларни кутиб олишга тайёрмиз.

Театримизнинг ўз аънавалари, доимий мухлислари бор. Театр илосидандларига тақдим этиш учун икми дурдона асарни саҳналаштиряймиз. Биринчиси Софоклнинг «Электра» асари, саҳналаштирувчи режиссёр Тожикистон

Энди энг нозик масала турибди. Бу томошабин муаммоси. Мухлисларни театрга тортиш сизнинг ҳам, бизнинг ҳам вазифамиз. Томошабинни даргоҳимизга халб этиш учун маъбуот ҳам ўзининг жибасини қўйиши керак. Мухлислар бизнинг репертуаримиздан ва янги асарларимиздан ўз вақтида оғоҳ бўлишлари мумкин. Муъжазгина томоша залимиз бор, 240 ўринли. Чипталар ҳам унчалик қimmat эмас. Фақат истак бўлса бас. Уйлаيمانки, театр илосмандлари бизнинг саҳна асарларимизни томоша қилишга имкон ва илос топа оладилар.

● **Мукимий номидаги ўзбек Давлат мусикали театрининг директори Абдушукр ШОМУРГОВ:**

— Ёқуб аканинг гапларига қўйиламан. У кишининг сўзларини тинглаб, Мукимий театрида «Тошболта ошк» спектакли қўйилган кезлар ёдимга тушди. Раҳматли Сойиб ака ҳар кун бирон қизиқ нарса ўйлаб топардилар. Томошабинлар у кишини кўриш учун ҳам театрга келар эди.

Театримизнинг репертуарини кузатган бўлсангиз ранг-баранг мавзулар саҳнага олиб чиқилган. Актёрларимизнинг иқтидори етарли. Рустам Маъдиев сценарийни асосида «Девона» спектакли, марҳум Улмас Умарбековнинг «Фотима ва Зухра» асари асосида саҳналаштирилган спектаклларга томошабинларнинг қизиқишлари кучли. Яқинда репертуаримиз яна янги бир асар билан бойийди. Бу Рустам Маъдиев қаламига мансуб «Оқибат» спектакли. Бош ролларни Зулайхо Бойхонова, Ҳамид Тўхтаевлар ижро этган.

Янги йил арафасида «Тилла туҳмач» спектакли намойиш этилади. Ёш томошабинларга мўъжаланган бу асарни саҳнамаизда, 11 январга қадар намойиш этишни режалаштиряймиз. Кузатган бўлсангиз театримизда гоҳ юбилей кечалари, гоҳ турли танловлар кўп ўтказилади. Асосий мақсад томошабинларни театрга жалб этиш. Уларнинг кўнгилли дам олишлари учун хизмат қилиш.

Томоша залларимизнинг тўлғилигини кўрган санъатшунос Мамажон Раҳмон: «Театрларимиз орасида энг кўп томошабин ташриф буюрадиган театр» дея баҳо берди. Бундай муваффақиятга Насрулло Қобул асари бўйича саҳнага қўйилган «Иброҳим Алайҳиссаломнинг таваллудлари» номли спектаклини саҳнага олиб чиқганимиз сабаб бўлди.


Яқинда Лутфинов ака Саримсоқовнинг хотира кечасини ўтказдик.

30 ноябрда иқтидорли актёрларимиздан Раҳман Солиҳовнинг 50 ёшлик юбилей кечасини нишонлаш ниятдаимиз. Бу саҳна устаси раҳматли Халқ артисти Раззоқ Ҳамроевнинг шогирди. Раззоқ ака 30 ноябрда тавалуд топганлар. Ўша кун устозларини ёд этиб, қабрларини зиёрат этишни мўъжаллаб қўйдик. Илоҳим устозларининг руҳи бизларни қўллаб турсин.

Ниманики ташкил этмайлик, қайсики асарни саҳнага олиб чиқмайлик, барчаси азиз томошабинлар ва мухлисларимиз учун. «Тошкент оқшом» орқали ҳамшахарларимизнинг барчасига соғлиқ-саломатлик, оилаларига тотувлик ва кутбарак тилаб қоламиз.

Сўхбатни Раҳим ТўРАЕВ ёзиб олди.

ТОМОШАБИН МУАММОСИ — БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ



қилар, чарчаш нималигини билмасдик. Нега хозир шундай эмас?

Бизни кишилар айбни театрдан қидирадилар. Мен бу фикрга қўйишга ололмайман. Театр ўша-ўша, балки ўша, халқимиз чексиз севган буюк актёрларимиз томошабин атайлаб кўргани келадиган улғу санъаткорларимиз оранда йўқдир. Аммо театримиз ўзининг аънаваларидан четга чиққани йўқ. Устозларнинг ўрнини босадиган шогирдлар бор. Ва ўша даврлардагидан қолшмайди томошаларимиз бор.

Одамларни тарбияловчи, тўғри йўлга, инсоф-иймонга қорловчи, маънавий озуқа берадиган воситалардан бири бекторор санъат даргоҳи бўлиши — театр саҳнаси.

Саҳнадаги имконият бошқа ҳеч қайси соҳада йўқ. Ҳар ойда ҳақ бўлмаганда бир марта театрга келиб туриш ҳар бир томошабиннинг зарурий эҳтиёжи бўлиши керак. Қарс икми кўлдан дейишадим. Муаммонинг ечимини томошабин ҳам боғлиқ. Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз, меҳнатимиз томошабин учун. Томошабиннинг саҳна эгасис ҳовлига ўхшайди. Театр залларига кўрк бағишлаш мухлислардан. Биз Ҳамза театри санъаткорлари эса кўлимиздан келганича хизматга тайёрмиз.

● **Аброр Ҳидоятлов номидаги драма театрининг директори:**

халқ артисти Фаррух Қосимов. Иккинчиси Шекспирнинг «Отелло» асари. Уни Тожикистондан тақлиф этган режиссёримиз Борзо Абдуразоқов саҳнага тайёрламоқда.

Яна Адиба Шарипованинг «Буюк инпак йўли» асарини Амир Темирнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан томошабинларга тақдим этамиз. Бу асарни таниқли режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев саҳнага олиб чиқяпти.

Алишер Навоий «Ҳамса»сининг бешинчи достони бўлмиш «Сади Искандарий» асари асосида ишланган «Искандар», Ботир Муҳаммадхўжаев қаламига мансуб «Китмир» асари, «Майсаранинг иши» спектаклининг янгича вариантлари ҳам репертуаримиздан жой олган.

Бундан ташқари бир қанча санъаткорларимиз Голландияга гастрол сафарига тайёрламоқда. Ёш томошабинларга Янги йил дастурини тайёрлаямиз.

Кўнгилдагидек репертуаримиз ҳам, иқтидорли актёрларимиз ҳам бор. Мустақиллик байрами муносабати билан артистларимиздан Элёр Носиров ва Дано Бобохонова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. Демакки, театримизга ҳукуматимизнинг диққат-эътибори ҳам яхши.

ОПАМ УЗРА ҲИЛПИРАР

Ватанимиз тимсолидирсан,
Энг табаррук аълолидирсан,
Олий рамзи, жамолидирсан
Муқаддас байроғимиз.

Опам узра ҳилпираб мағрур,
Ён-атрофга сочиб, шўъла,
Юракларда уйғотдинг гурур
Муқаддас байроғимиз.

Авлодларнинг руҳин шод
Орзуларин барҳаёт этдинг,
Ёвлар ўйин пуч, барбод
Муқаддас байроғимиз.

Рангингда халқ бахтин этиб

Ўй-фикрини қилиб мужассам,
Товланасан товусдек кўркам
Муқаддас байроғимиз.

Сени ўйиб, ичамиз қасам,
Шон-шарафинг мардона,
Ўт кўзлардан асраймиз
Муқаддас байроғимиз.

Тинчликсевар эллар қатори,
Жаҳон узра яна юқори
Ҳилпирайвер, элим
Муқаддас байроғимиз.

Искандар РАҲМОН.

САҢЪАТ ОПАМИГА САЁҲАТ

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Кўرғазмалар залида юртимизнинг бир неча таниқли мусавирларининг иккидун кўрғазмалари очилди.

Кўрғазмани Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шухрат Жалилов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, Рассомлар уюшмаси, дипломатик корпус вакиллари ҳамда санъатшунослар сўзга чиқиб, халқимиз назарига тушган рассомлар ижодига юксак баҳо беришди. Айниқса, рассом Ортикали Қозоқовнинг авангар услубидаги қатор картиналари алоҳида тўхталди.

Ортиқали Қозоқовнинг асарлари нафақат ўзи тўғрисида, устани Наманганда, Тошкентда, балки хорижда ҳам ўз баҳосини топган. Албатта Ортикалининг асарлари Америка Қўшма Штатларида, Францияда, Туркияда ва шунга ўхшаш қатор давлатларнинг кўрғазмаларида, шахсий галереяларда сақланиши айна пайтда бизга, ёш давлатларнинг тараккий элтишига муносиб хисса бўлиб қўйилади. Ўзбекистонлик рассомларга берилган баҳо эса юртта, унинг халқи берилган баҳо ҳамдир.

Владимир Пак, Юрий Стрельников ҳамда Зайниддин Фахриддинов асарлари ҳам ана шундай: жозибдорлиги, ҳаётлиги, айна чоғда ўта маҳорат билан чизилганлиги диққатга сазовордир.

Ҳақиқатан ҳам хозирда марҳум бўлган Юрий Стрельников, Владимир Ким асарлари ўзбек ҳаётини ёрқин бўёқларда акс эттира олгани билан ҳам ажралаб туради. Зайниддин Фахриддинов асарлари эса сизни беихтиёр ўзга оламга қорлайди. Яъни биз кўриб, кўрмаган, сезиб сезмаган манзараларни кўз олдинда намоеён этади.

Ортиқали Қозоқов ижоди тўғрисида «Гулхан» журналининг бешта унчи-рассоми Мирвосил Одилов мароқ билан гапириб берди.


— Ортиқали Наманган вилоятининг Пова тумани, Санг қишлоғидаги мактабларнинг биринчи ўқиб юрган даврларини даёқ расмларини истихолога билан «Гулхан» журналга юборган эди, — дейди М. Одилов. — Кечагидек эсимда. Унинг тиббат, ҳаёт мавзусидаги чизган расмлари тахририятимиз аъзоларига маълум тушиб, дарров устоз рассом Чингиз Аҳмадовга олиб бордик. Ўша вақтларда Чингиз ака: «Бундай ёшларнинг кадрларимиз, уларнинг яхши унинг-ўсиши учун барча ша-

роитларни яратибимиз керак» деган эдилар. Кейин «Гулхан» журнали орқали ёш, ҳаваскор рассом ўқувчи Ортикалига «Оқ йўл» ёзиб берганлар. Кейин ўзим ҳам бир марта Ортикалининг хонадонига бўлганман. Ортикалининг отаси бинокор, онаси уй бекаси экан. «Шу ўғлим рассом бўлар экан» деб, унга ҳамма шароитни яратибган. Қаранг, Ортикали ота-онаси олдидиги бурчини бажараяпти, ўз орзуларига эришяпти. Шунинг ўзи катта бахт.

Ортиқали Қозоқов кўрғазмада сўзга чиқиб, унинг кўрғазмаси ҳамда бошқа рассомларнинг кўрғазмалари учун шароит яратган, яқиндан ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси, «Хамар» Халқаро алоқалар маркази, республика Маданият ишлари вазирлиги ҳамда бир қатор хомийлик қилган фирма ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдирар экан, «Мен ҳали ўз устимда яна кўпроқ ишларим, изланишим керак», деди.

Ҳа, ниндан ҳам кўрғазма санъат оламига ҳақиқий саёҳат бўлди.

Зоир ТУРСУНОВ,
СУРАТДА: кўрғазманинг очилишидан лавҳа.
Даврон АҲМАД олган сурат.



ШАҲРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИДА

ҲАР БИР БУЮМ ҚАДРЛИ

Одамзод минг-минг йиллардан буён ойнаи жаҳон ошиғи, ана шу тилсимонинг талабгори. У ҳақда неча-неча эртагу ривоятлар тўқилмаган деисиз. 1928 йилда дунёда биринчи бор зангори экранда тасвир пайдо бўлди. Бу кашфнинг ватани Тошкент бўлсада, доимий телевидение йўлга қўйилгунча оранд 28 йил ўтди. 1956 йилда иш бошлаган Ўзбекистон телевидениеси бугун 40 ёшда. Биз шу муносабат билан «Телекўрсатувлар ва радио тарихи музей» директори Абдужалил Тўлаганов билан сўхбатда бўлдик.

— Абдужалил ака, энг аввало, кутлуг байрам билан кутлаймиз. Газетхонларга музейнинг ташкил этилиши тўғрисида гапириб берсангиз...

— Музей ташкил этилишининг ўзига хос тарихи бор. 1977 йилда радионинг 50 йиллиги нишонланаётган кезларда телевидениеда ишловчи ёшлар ойнаи жаҳон орқали сўзга чиқиб, томошабинлардан, радио мухлисларидан утган кунларни эслатувчи қимматбаҳо буюмларини музей ташкил этиш учун беришларини илтимос қилиб чиқилган эди. Ун йил давомида турли хил экспонатлар йинилган ва кўрсатувлар тарихини ҳижо қилувчи музей 1986 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Шу кунларда музейда 4 мингга яқин экспонат бор.

— Тошкент телевидение маркази ҳақида нималар дея олсангиз? Ўзбекистонда телевидение марказини куриш 1953 йили режалаштириб бошланган эди. Вазирилар Кенгашининг 1953 йил 30 июнь 977-қарориди «Тошкент шаҳрида телевидение марказ куриш учун Москва районидан, вилоят ижрокони идораси орқасидаги бўш жарлик ердан 1,5 гектарни ажратиб берилсин», дейилган эди. Шу йили мутахассислар ҳисоб-китобларни, тахминий харажатларни тайёрлаб, Москвага юборишди. Смета ҳужжатлари асосида 62 миллион сўм ажратилди.

Телевизион марказ 1954 йил май ойида курила бошланди ва 1956 йил 5 ноябрда ишга туширилди. Бу ерга ўша пайтда ўрнатилган дастгоҳлар — тасвир сигналларини тарқатадиган 5 киловатт қувватта оға бўлган кучайтиргич, баландлиги 180 метр келадиган минара, аппаратхона-студия мажмуи, аппаратларнинг ўз ичига оладиган мураккаб радиотехник иншоот бўлган.

1956 йили январь ойида телемарказ директори этиб Марзия Абдуллаева деган аёлни тасдиқлашди. У киши 1939 йили Политехника институтини электр тармоқлари бўйича битирган биринчи ўзбек аёл эди.

Биринчи кўрсатув хали-ҳануз кўз олдимда туради. Ибкоб Олимжонова ўзбек тилида, Юнона Столрнова рус тилида аниқ-тиник гапирядилар. Дастлаб 3 соатдан кунора эшиттиришлар берилганди.

— Абдужалил ака, шу ерда узоқ ишлаган ходим сифатида хотиранигизда қолган бирон воқеани айтсангиз...

— Телемарказ директори М. Абду-

лаева жуда жонқуярлик билан ишлар эдилар. Марзия опа, агар қор ёғгудай бўлса, марказимизни телемарказ ҳовлиси, телеминара тағига олиб чиқиб, қор кураатар эдилар.

Уларнинг тушуначалари қор эриб, телеминара танчалари тағига силжиб тушса, телеминара қийшайиб кетар эди. Айниқса бизга, смена бошлиқларига кечалари агар ёмғир ёқи қор ёғса кўнғирок қилиб, ҳовлига тушиб, телеминарадан хабар олиб кетишни илтимос қилар эдилар. Ўша даврларда кўрсатувлар кеч соат 10 — 11, баъзи кунлари 12 ларгача, бўлар эди. Хозирга ўхшаб навабачи машиналар бўлмас эди. Кўрсатувлар тугатган, ижодий ва техник ходимлар бир-бирларини кузатишиб, уйларига кетишар эди.

— Айтгандай, нима учун минара икки хил ранга — гоҳ қора, гоҳ сариқ ранга бўлган?

— Телевизион марказ ҳовлисида чиқилса телевидение антенналар ўрнатилган панжарали баҳайбат темир минарани кураимиз. Минара тўрт бурчакли конус шаклида курилан. Унинг 5 метр

қуқурликдан бошланган пойдевори 20x20 квадрат-метр майдонни эгаллайди ва асосиди таъмирлаб бир-бирдан 20 метр масофада ўрнатилган. Самолётлар минарага урилмаслиги учун у ҳавода яққол куришиб туриши лозим. Шу мақсадда минара икки хил ранга, яъни ердан 15 метр баландлиқка бўлган қисми қора ранга, ундан кейинги 15 метрлик қисми оқ сариқ ранга ва энг тепага бориб етуғича шу тарика наваб билан гоҳ қора, гоҳ оқ сариқ ранга бўлган. Кечалари минаранинг ҳар жой-ҳар жойида қизил чироқ ёниб туради.

— Қўшма телевидение станциядан қайси пайтдан бошлаб фойдаланила бошлаган?

— Телемарказ 1958 йили қўшма телевидение станция олган. Шу йили Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат катта академик опера ва балет

